

## IELTS va CEFR sertifikatiga эга талабаларни иқтидорли ёшлар жамоасига таклиф қиламиз

Биз турли факултетлардан IELTS ва CEFR халқаро сертификатларига эга бўлган иқтидорли ёшларни Касбий Ривожлантириш Марказида ташкил этилаётган Gifted Students курсларига таклиф етамиз. Сертификатга эга номзодларимиз деканатларга сертификатларини тақдим қилишлари ёки [guzaleshchanova1979@gmail.com](mailto:guzaleshchanova1979@gmail.com) электрон манзилига юборишлари мумкин. Курс ўз фаолиятини жорий йилнинг декабр ойидан бошлайди. Ушбу курсда талабалар хорижий ҳамкор университет талабалари билан вебинарларда қатнашишлари, илмий конференцияларда мақолалари билан иштирок этишлари ва халқаро имтихонларда янада юқори натижаларга эришилишига яқиндан ёрдам берилади. Машғулотларда шунингдек дебат, викторина, филмлар намойиши ва турли оилӣ таълим муассасалари талабалари билан халқаро хорижий танловларда иштирок этиш имкониятига эга бўлишади. Институтда ўтказилиши режалаштирилган турли грант лойихаларда ва халқаро конференцияларда иштирок этиш ва хорижий тилни доимий ривожлантириб борилишига алоҳида аҳамият берилади. Машғулотлар талабаларнинг даражаларига мувофиқ аудитория ва онлайн дастурлари орқали олиб борилади. Машғулотлар тажрибали ўқитувчилар томонидан Британия Кенгашининг замонавий ахборот ресурслари асосида ташкил этилади. Ушбу курсларни муваффақиятли тугатган қатнашувчиларга сертификатлар берилади.

Ўтказилиш жойи: Касбий Ривожлантириш Маркази

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Имкониятни қўлдан бой берманг!

Профессионал ривожланишда биринчи бўлинг!

Ўз вақтида рўйхатдан ўтинг!

Қўшимча маълумот учун: "Инглиз тили" кафедраси катта ўқитувчиси

тел: +99894 6378246 Гўзал Ешчанова